



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 3 » avgust

№ ПҚ–5207

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Республикада лимон кўчатларини етиштириш ва лимон етиштирувчи иссиқхона хўжаликларини ташкил этишни жадал ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш механизмини таъминлайдиган иссиқхоналарни барпо этиш ҳамда лимон етиштиришни комплекс ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев ва қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3175-сон қарорига 2-илова қўйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“**Изоҳ.** Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг мазкур қарорга мувофиқ “Туронбанк” АТБда очилган кредит линиясининг 2021 йил 1 август ҳолатига қолдиқ маблағлари Жамғарманинг банк устав капиталдаги улушини оширишга йўналтирилади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4231-сон қарори қўйидаги мазмундаги 6¹-банд билан тўлдирилсин:

“6¹. Мазкур қарорга мувофиқ тижорат банкларига тақсимланган маблағлардан “Туронбанк” АТБга кредит ресурси сифатида қайта молиялаштирилган қисмининг 2021 йил 1 август ҳолатига қолдиқ қисми Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг банк устав капиталдаги улушини ошириш учун йўналтирилсин”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4610-сон қарорида:

а) 4-банд қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2021–2022 йилларда “Туронбанк” АТБ томонидан молиялаштириш ҳисобига ташкил этиладиган лимонзорлар майдонларининг прогноз кўрсаткичлари 1а-иловага мувофиқ”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 5-банднинг “б” кичик бандида:

биринчи хатбоши “қишлоқ хўжалиги корхоналари” сўзларидан кейин “, жисмоний шахслар” сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги “ҳар бир гектари учун 30 миллион сўмдан ошмайдиган миқдори” сўзлари “ҳар бир сотихи учун 300 минг сўмдан ошмайдиган миқдори” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси “Туронбанк” АТБга Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратилган 357,8 млрд сўм эквивалентидаги қолдиқ маблағларни жамғарманинг банк устав капиталидаги улушини ошириш учун йўналтирилишини таъминласин”;

г) қўйидаги мазмундаги 1а-илова билан тўлдирилсин:

**2021–2022 йилларда “Туронбанк” АТБ томонидан молиялаштириш
ҳисобига ташкил этиладиган лимонзорлар майдонларининг
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Ҳудудлар номи	Ташкил этиладиган лимонзорлар <i>гектар</i>	Лимон ҳосили <i>тонна</i>	Яратиладиган доимий иш ўринлари	Мавсумий иш ўринлари	Талаб этиладиган лимон кўчатлари <i>дона</i>
ЖАМИ:		2 031	120 000	12 186	14 217	2 234 100
1	Андижон вилояти	26	1 500	156	182	28 600
2	Бухоро вилояти	20,5	1 200	123	144	22 550
3	Қашқадарё вилояти	5,5	300	33	39	6 050
4	Наманган вилояти	862,5	50 800	5 175	6 038	948 750
5	Сурхондарё вилояти	1 000	59 300	6 000	7 000	1 100 000
6	Фарғона вилояти	100	5 900	600	700	110 000
7	Хоразм вилояти	2,5	150	15	18	2 750
8	Тошкент вилояти	14	850	84	98	15 400

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4752-сон қарори қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

“2¹. Мазкур қарорга мувофиқ тижорат банкларига тақсимланган маблағлардан “Туронбанк” АТБга кредит ресурси сифатида қайта молиялаштирилган қисмининг 2021 йил 1 август ҳолатига қолдиқ қисми Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг банк устав капиталидаги улушини ошириш учун йўналтирилсин”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5041-сон қарори 4-бандининг “б” кичик банди учинчи хатбошиси “Туронбанк” АТБга” сўзларидан кейин “(ажратилган маблағлар ҳисобидан “Туронбанк” АТБ устав капиталини ошириш орқали)” сўзлари билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5113-сон қарорига 3-илова қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“**Изоҳ.** Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан мазкур қарорга мувофиқ “Туронбанк” АТБга кредит ресурси сифатида ажратилган маблағларнинг 2021 йил 1 август ҳолатига қолдиқ қисми Жамғарманинг банк устав капиталидаги улушини ошириш учун йўналтирилади”.

